

YURIDIK FANLAR AXBOROTNOMASI

ВЕСТНИК ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК

REVIEW OF LAW SCIENCES

huquqiy ilmiy-amaliy jurnal

правовой научно-практический журнал

legal scientific-practical journal

2021/3



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 5 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ
АБДУРАСУЛОВИЧ**
Солиқ интизомини бузганлик учун
маъмурий жавобгарлик

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 15 **БАБАЕВ ЖАҲОНГИР
ИСМОИЛБЕКОВИЧ**
Иш бажариш ва хизмат кўрсатиш
муносабатларида истеъмоличига
етказилган зарарни қоплаш
субъектларини аниқлаш масалалари

- 26 **ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕҲЗОД
БАХТИЁРОВИЧ**
Шарқда банкротлик элементларини
акс эттирувчи манбалар ва
уларнинг ҳуқуқий тавсифи

- 39 **БУРХАНОВА ЛЕЙЛА
МАРИУСОВНА**
Особенности правового регулирования
безвестного отсутствия физических лиц
по гражданскому праву Республики
Узбекистан: понятие и основания
установления факта безвестного
отсутствия

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

- 52 **АНОРБОВЕ МУРОДЖОН
РАХМАНКУЛ УГЛИ**
К вопросу об общественной опасности
и конструктивных особенностях
преступлений в виде вмешательства
в расследование или разрешение
судебных дел

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA.
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA
SUD EKSPERTIZASI

- 63 **ЮГАЙ ЛЮДМИЛА ЮРЬЕВНА**
К вопросу обеспечения безопасности
биометрических данных в период
диджитализации общества

- 75 **ПРИМОВ БАХТИЁР ОЛИМ ЎҒЛИ**
Ўзбекистонда жиноят процесси
жараёнида техник воситалар ва
электрон далиллар имкониятларидан
фойдаланиш масалалари

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 80 **ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН
ЭРГАШ ЎҒЛИ**
Оммавий иштирок халқаро
стандартларининг ривожланиш
тенденциялари

12.00.11 – PARLAMENT HUQUQI

- 90 **ЮСУПОВ САРДОРБЕК
БАҲОДИРОВИЧ**
Давлат бюджети устидан парламент
назорати моҳияти: илмий-назарий
таҳлил

- 99 **АБДУКАДЫРОВ ДОНИЁР
ХУСАНОВИЧ**
Обзор организационно-
информационного и материально-
технического обеспечения
деятельности парламентов
Великобритании и Канады

13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA
NAZARIYASI VA METODIKASI
(SOHALAR BO'YICHA)

- 108 **PAULETTO CHRISTIAN Z.**
Language of the law as a foreign
language: the challenge for globalized
legal education and a few didactic tools

UDC: 341(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-5821-2714

ОММАВИЙ ИШТИРОК ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли,
Тошкент давлат юридик университети
“Конституциявий ҳуқуқ” кафедраси
доценти вазифасини бажарувчи,
юридик фанлар номозоди
e-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

Аннотация. Мақолада оммавий иштирок халқаро стандартларининг шаклланиши ва ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган. Тадқиқотда оммавий иштирок халқаро стандартларига мажбурий характерга эга бўлмаган халқаро давлат ва нодавлат ташкилотларининг тавсиявий характердаги ҳужжатларини киритиш амалиёти инобатга олиниб, оммавий иштирок халқаро стандартларига муаллифлик таърифи берилди. Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг моддалари бўйича берилган шарҳлари, тавсиялари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган раҳбарий қўлланмалар ҳамда бошқа ҳужжатлар аҳамияти очиқ берилди. Муаллиф COVID-19 пандемияси ва бошқа глобал муаммоларни ҳал қилиш шароитида оммавий иштирок халқаро стандартларининг жадал ривожланиши, оммавий иштирокнинг барча соҳаларни қамраб олиши ва ихтисослашуви тенденцияларини аниқлади. Тадқиқот натижасида барча соҳалардаги халқаро стандартларга мувофиқ оммавий иштирокни таъминлаш, жумладан, Орхус конвенциясига қўшилиш, оммавий иштирок стандартларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон давлат органлари ва фуқароларининг фаол иштирок этиши бўйича тавсиялар илгари сурилди.

Калит сўзлар: халқаро ҳужжатлар; “юмшоқ ҳуқуқ”; оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқи; сайлов; референдум; сўз эркинлиги.

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ПУБЛИЧНОГО УЧАСТИЯ

Юлдошев Азизжон Эргашевич,
кандидат юридических наук,
и.о. доцента кафедры «Конституционное право»
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. В статье исследуются формирование и тенденции развития международных стандартов публичного участия. В исследовании с учетом практики соблюдения государствами необязательных документов международных правительственных и неправительственных организаций в сфере публичного участия дано авторское определение международных стандартов публичного участия. Раскрыта важность комментариев и рекомендаций Комитета по правам человека по статьям Международного пакта о гражданских и политических правах, руководя-

щих принципов, разработанных Верховным комиссаром ООН по правам человека и другими международными организациями, а также других документов. Автор определяет тенденции стремительного развития международных стандартов публичного участия в контексте пандемии COVID-19 и других глобальных проблем, охвата публичного участия всех сфер и его специализации. В результате исследования были даны рекомендации по обеспечению публичного участия во всех сферах в соответствии с международными стандартами, включая присоединение к Орхусской конвенции, активное участие государственных органов и граждан Узбекистана в разработке стандартов публичного участия.

Ключевые слова: международные акты; “мягкое право”; право на участие в государственных делах; выборы; референдумы; свобода слова.

DEVELOPMENT TRENDS OF INTERNATIONAL STANDARDS ON PUBLIC PARTICIPATION

Yuldoshev Azizjon Ergashevich,

Associate professor of Constitutional Law Department
of Tashkent State University of Law, PhD in Law

Abstract. The article examines the formation and development trends of international standards for public participation. In the study, taking into account the practice of compliance by states with non-binding documents of international governmental and non-governmental organizations in the field of public participation, the author's definition of international standards of public participation is given. The importance of the comments and recommendations of the Human Rights Committee on the articles of the International Covenant on Civil and Political Rights, guidelines developed by the UN High Commissioner for Human Rights and other international organizations, as well as other documents is revealed. The author identifies trends in the rapid development of international standards for public participation in the context of the COVID 19 pandemic and other global problems, the coverage of public participation in all areas and its specialization. As a result of the study, recommendations were given on ensuring public participation in all areas in accordance with international standards, including accession to the Aarhus Convention, active participation of state bodies and citizens of Uzbekistan in the development of standards for public participation.

Keywords: international acts; “soft law”; the right to participate in the conduct of public affairs; elections; referendums; freedom of speech.

Кириш

Глобал интеграцион жараёнлар таъсирида халқаро ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларда жамият манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилиш қоидалари, жумладан, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокини (оммавий иштирок) [1, 25-б.] таъминлаш стандартлари [2; 3; 4] шаклланиб, давлатлар сиёсатини йўналтириш ва баҳолаш мезонига айланмоқда. Мавжуд ҳолатни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг

халқаро стандартларини республикада жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Ушбу вазифани бажариш пандемия ва бошқа глобал масалалар таъсирида жадал ривожланаётган оммавий иштирок халқаро стандартларини [5] чуқур ўрганиш долзарблигини кўрсатади.

Оммавий иштирок этиш халқаро стандартларини алоҳида белгилашга интилиш мавжуд бўлса ҳам, уларга алоҳида таъриф берилмаган. Умумий белгиларини инобатга олган ҳолда, уларга инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлари таърифини қўл-

лаш мантиқан тўғри бўлади. Бироқ бугунги кунга келиб инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга берилган таъриф амалдаги ҳолатни тўлиқ акс эттираётгани йўқ. Чунки мазкур стандартлар халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган, юридик кучга кирган ва давлатнинг олий қонунчилик органи томонидан ратификация қилинган [6, 86-б.], ушбу ҳуқуқлар тамойилларини мустаҳкамлайдиган ва ривожлантирадиган [7, 28-б.] универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда бошқа мажбурий бўлмаган ҳужжатларни ҳам қамраб олмақда.

Маълумки, мажбурий характерга эга бўлмаган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (ИХУД) ўз муқаддимасида барча халқлар ва давлатлар интилиши керак бўлган стандартлар деб эълон қилинган [8]. Дарҳақиқат, шу кунга қадар ИХУДни амалга оширишга қаратилган қатор халқаро ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган. ИХУД ва у асосида қабул қилинган биринчи тўртта универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжат: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (ФСХХП) ва унга иккита факультатив протоколлар Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллини ташкил қилади [9, 7-б.].

Оммавий иштирок ҳуқуқи халқаро стандартларининг шаклланишига ИХУДнинг 21-моддаси асос бўлди. Ушбу модда уч банддан иборат бўлиб, унинг 1-бандида ҳар бир инсоннинг бевосита ёки эркин танланган вакиллари орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Унинг 2-бандида ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгаллиги ва 3-бандида халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлиши, ушбу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган сайловларда ёки овоз

бериш эркинлигини таъминловчи бошқа шунга ўхшаш шаклларда ифодаланиши кераклиги белгиланган.

Ратификация қилган давлатлар учун мажбурий бўлган ФСХХПнинг 25-моддасида [10] оммавий иштирок этиш ҳуқуқи ИХУДнинг 21-моддасига нисбатан ўзгартиришлар билан ифодаланиб, унинг мазмунини янада аниқлаштирди дейиш мумкин. Масалан, (1) мазкур ҳуқуқ ҳар кимга эмас, балки фақат давлат фуқароларига (2) мамлакат бошқарувида эмас, оммавий ишларни юритишда иштирок этишга берилган, (3) сайлов билан чекланган. Қўшимча равишда ФСХХПда ушбу ҳуқуқни асоссиз чекловларсиз амалга ошириш талаби қўйилган.

Маълумки, амалда кўпчилик давлатлар давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини ўз фуқароларига беришни маъқуллашади. Бироқ баъзи тадқиқотчилар ИХУД тавсиявий характерга эга бўлишига қарамай, ҳар кимга ўз мамлакатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш мажбурийлигини таъкидлашмоқда [11, 49-б.]. Айрим минтақавий ташкилотлар муайян давлат резиденти бўлган ҳар кимга давлат ишларини бошқариш, жумладан, сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини беришни тавсия қилган [12]. Ушбу тавсиялар бир неча хорижий давлатларда айрим чекловлар билан инobatга олинган. Масалан, Ирландия, Жанубий Корея, Аргентина, Бельгия ва бошқа давлатларда фуқаро бўлмаган шахсларга маҳаллий сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи берилган [13, 19-б.].

Ўз навбатида, ФСХХПда халқ иродаси сайловлардан ташқари овоз бериш, жумладан, референдумда ифодаланиши чекланган деб бўлмайди. Чунки “оммавий ишларни юритиш” жумласи “мамлакат бошқаруви” тушунчасини янада аниқлаштириб, барча оммавий қарорларни қабул қилишда фуқароларнинг референдум ва бошқа шакллардаги иштиро-

кини назарда тутати. Шу жиҳатдан оммавий иштирок этиш ҳуқуқи ИХУДнинг 21-моддасига мувофиқ, демократияга бўлган ҳуқуқ сифатида кенг маънода тушуниланган бўлса [14, 461-б.], ФСХХПнинг 25-моддасида оммавий ишларни юриштишдаги иштирокка урғу берилади. Бу меъёрлар оммавий иштирок этишни тор маънода оммавий ишларни ҳал қилишда бевосита қатнашиш, кенг маънода демократияга бўлган ҳуқуққа таснифлашга [1, 26-б.] ҳуқуқий асос бўлади.

Оммавий иштирок этиш ҳуқуқидан тенг фойдаланишни таъминлаш 1965 йил 21 декабрда Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда мустаҳкамланди. Конвенциянинг 5-моддасида сиёсий ҳуқуқлар, хусусан, сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи – умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида овоз бериш ва ўз номзодини қўйиш, мамлакатни бошқариш, жумладан, ҳар қандай даражадаги давлат ишларига раҳбарлик қилиш, шунингдек, тенг ҳуқуқда давлат хизматига киришда иштирокчи-давлатлар ирқий камситишни ҳар қандай шаклда тақиқлаш ва йўқ қилиш лозимлиги мустаҳкамланган [15].

ФСХХПнинг 25-моддаси минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар бўлган МДХ инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари декларациясида (29-модда) [16], Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Америка конвенциясида (23-модда) [17], Инсон ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Африка хартиясида (13-модда) [18] мустаҳкамланган. Бу оммавий иштирок этишга бўлган ҳуқуқни оддий кўчириш эмас, балки унинг минтақадаги давлатлар томонидан эътироф этилиши ва ўз қонунчилигига имплементация қилишдаги ҳамкорлигини англатади. Масалан, бундай ҳуқуқ Европа инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш конвенциясида [19] мавжуд эмас. Шу туфайли оммавий иштирок ҳуқуқи фикрлаш (10-модда), йиғилиш-

лар ва уюшиш (11-модда) эркинлигида акс этишини асослашга ҳаракат қилинади [20, 220-221-б.].

1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддасида иштирокчи давлатларнинг аёллар: а) барча сайловлар ва референдумларда овоз бериш ва сайланиш; б) ҳукумат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш, давлат лавозимларида ишлаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча даражаларида давлат функцияларини бажариш; в) мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлар ва бирлашмалар фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқларига эркаклар билан тенг шароитларда эга бўлишларини таъминлаш белгиланган [21]. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 29-моддасида ҳам шу каби ҳуқуқлар белгиланган [22].

Оммавий иштирокнинг барча соҳаларни қамраб олиши унинг халқаро стандартларида ҳам акс этади. Масалан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар рўйхатига кирмаган БМТ Коррупцияга қарши кураш Конвенциясининг [23] 13-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда фуқаролик жамияти, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва шахсларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиш учун тегишли чоралар назарда тутилди. Ошкоралик, фуқароларни қарор қабул қилишга жалб қилиш баробарида, оммавий таълим дастурларини амалга ошириш оммавий иштирокни таъминлаш чораси сифатида белгиланди.

Атроф-муҳит масалаларида оммавий иштирок механизмларига бағишланган Орхус конвенцияси минтақавий ҳисобланса ҳам [24], барча учун очиқдир. Хусусан, ушбу конвенцияда атроф-муҳит тўғрисидаги маълумотларни олиш эркин-

лиги, шу жумладан, бундай маълумотларни тақдим этишдан бош тортиш асослари (4-модда), экологик ахборотни йиғиш ва тарқатиш (5-модда), муайян фаолият бўйича қарорлар қабул қилиш (6-модда), атроф-муҳит билан боғлиқ режалар, дастурлар ва сиёсат билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш (7-модда), норматив ҳужжатларни тайёрлашда (8-модда) жамоатчилик иштироки ва одил судловга эришиш (9-модда) тартиби белгиланган. Орхус конвенцияси нафақат атроф-муҳит, балки бошқа соҳаларда ҳам оммавий иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади [25, 1-6.].

Юқорида келтирилган универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда оммавий иштирок этиш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш таомилларини батафсил белгилаш мураккаб масала. Шу туфайли охириги йилларда ушбу ҳуқуқни таъминлаш мақсадида инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқий меъёрларни амалга ошириш бўйича шарҳлар, тавсиялар ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ҳужжатлар халқаро стандартларнинг таркибий қисмига айланаётганлиги туфайли уларни ўрганишнинг долзарблиги ортмоқда.

Л. Ульяшина инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига халқаро ҳуқуқий нормалар сифатида қарашни тор маънодаги, улар халқаро ҳуқуқнинг барча асосий ва ёрдамчи манбалари, шунингдек, стандартларни яратиш ва миллий ҳуқуқ тизимларида халқаро мажбуриятларни бажаришда қўллаш учун қонуний бўлган ва халқаро нормаларнинг баъзи қоидалари мазмунини очиб берадиган мажбурий характерга эга бўлмаган ҳужжатлар, жумладан, “юмшоқ ҳуқуқ” меъёрларини бирлаштиришини кенг маънодаги тушунча сифатида асослаб беради [26, 153-б.]. Дарҳақиқат, давлатлар уларга мажбурий бўлмаган халқаро ҳужжатларга мувофиқ фаолият

кўрсатишга ҳаракат қилиши одоб қоида-сига айланмоқда.

«Юмшоқ ҳуқуқ» икки ёки ундан ортиқ давлатлар томонидан эълон қилинган сиёсий декларациялар, халқаро давлат ташкилотларининг тавсиялари ва қарорлари, одоб қоидаларида ифода этилади [27, 65-б.]. Бундай ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат но-тижорат ташкилотлар, халқаро хусусий уюшмалар ва корпорациялар каби нодавлат субъектлар [28] фаол иштирок этиши эътиборлидир. Айримлар бундай иштирокни миллий давлатчилик яқуни сифатида қарасалар [29, 30-б.], бошқалар глобал бошқарувнинг демократик мезони деб ҳисоблайдилар [30, 275-276-б.]. Ушбу баҳсга қўшилган ҳолда, миллий тадқиқотчилар томонидан Орхус конвенциясига қўшилмаган Ўзбекистон учун унинг нормаларига риоя қилишга оид амалий таклифлар ишлаб чиқилишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин [31, 92-98-б.].

Шунингдек, халқаро стандартларнинг ихтисослашуви тенденцияси унинг соҳалар бўйича таснифини кенгайтирмоқда. Бунда инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам ҳар бир фундаментал инсон ҳуқуқи, жумладан, оммавий иштирок халқаро стандартлари ҳам алоҳида шаклланмоқда. Ушбу халқаро стандартларга тавсиявий характерга эга бўлган ҳужжатларнинг киритилиши алоҳида аҳамиятлидир [32, 276-277-б.]. Масалан, М. Липчанская оммавий иштирок халқаро стандартларини анъанавий равишда универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқ нормалари блокларига таснифлаган бўлса ҳам, уларга мажбурий характерга эга бўлмаган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) ҳужжатларини киритган [33, 93-б.].

Ўз навбатида, оммавий иштирок тўғрисидаги қарашларнинг хилма-хиллиги бу борадаги халқаро стандартларда ҳам акс этган. Бунда оммавий иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган ФСХХП 25-мод-

дасига берилган шарҳлар номида ҳам, мазмунида ҳам кўриш мумкин. Бу, асосан, сайловга эътибор берилишида намоён бўлади [34]. Чунки ҳозиргача сайлов оммавий иштирокнинг асосий [35, 173-б.], одатий, бошқалари эса ноодатий шакли ҳисобланади. Ушбу ҳолатга қарамай сайлов [2] баробарида, уюштириш [3], эркин йиғилишлар [4], фикрлаш ва сўз эркинлиги [36] ҳамда оммавий иштирок бошқа шакллари билан халқаро стандартлари шаклланимуда.

Маълумки, Инсон ҳуқуқлари қўмитаси томонидан ФСХПнинг муайян моддалари бўйича берилган шарҳлари, тавсиялари мажбурий характерга эга бўлмаса ҳам барча давлатлар уларни инобатга олишга ҳаракат қилади. Чунки ФСХПнинг 40-моддасига кўра, Қўмита томонидан Пактнинг амалга оширилиши тўғрисидаги давлатлар маърузалари кўриб чиқиладиган ва бу соҳада мавжуд камчиликлар ҳақида тўлиқ маълумот олинади [37, 369-б.]. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун муайян давлат маърузаси юзасидан якуний тавсиялардан ташқари барча давлатлар учун умумий тавсиялар қабул қилинади. Мазкур тавсиялар амалда халқаро стандартларнинг таркибий қисмини ташкил қилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ФСХПнинг 25-моддасини таъминлаш бўйича берган 25-сонли умумий тавсияларида оммавий иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмини очиқ берган. Ушбу тавсияларда оммавий ишларни юритишда бевоқиф (6-, 8-бандлар) ва билвоқиф (7-банд) иштирок этиш, жумладан, овоз бериш ва сайланиш (11-22-бандлар), давлат хизматига кириш ва уни ўташ (23-, 24-бандлар) тартиби, оммавий иштирок этиш ҳуқуқининг ҳар бир шахсга тегишли эканлиги (2-банд) ва демократик бошқарувга асос (1-банд) бўлиши, бошқа сиёсий ҳуқуқлар билан боғлиқлиги (25-, 26-бандлар), уни чеклаш асослари (3-, 4-, 17-бандлар) кўрсатилган [34].

Энг муҳими, 25-сонли умумий тавсияларнинг 5-бандида “оммавий ишларни юритиш” сиёсий ҳокимиятни амалга оширишдан кенглиги, хусусан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва маъмурий ваколатларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган кенг тушунча эканлиги, оммавий бошқарувнинг барча жиҳатларини, халқаро, миллий, минтақавий ва маҳаллий даражадаги сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишни ўз ичига олиши баён қилинган. Шунингдек, оммавий иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш имкониятлари, воситалари давлатлар конституциялари ва бошқа қонунларида белгиланиши таъкидланган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳам турли соҳаларда оммавий иштирок этиш ҳуқуқини таъминлашга оид резолюциялар қабул қилинган. Масалан, Бош Ассамблеянинг A/RES/67/218-сонли резолюциясида [38] фискал шаффофлик бўйича глобал ташаббус ҳамда унинг 2012 йилдаги фискал шаффофлик, оммавий иштирок ва ҳисобдорлик бўйича юқори даражадаги принциплари [39] қайд этилган ва аъзо давлатларнинг ушбу принципларни ихтиёрий равишда кўриб чиқишни рағбатлантириши кўрсатилган. Мазкур принциплар асосида Халқаро Валюта Жамғармасининг Фискал шаффофлик тўғрисидаги кодекси, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг бюджет шаффофлиги бўйича йўриқномаси ҳамда Очиқ бюджет тадқиқотлари сўровномаларида бюджет ҳужжатларидаги маълумотларни ошкор қилиш бўйича кўрсатмаларига Ўзбекистонда ҳам риоя қилинади [40, 46-б.].

Глобал жараёнлар таъсирида давлатлар, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлар турли соҳаларда оммавий иштирок стандартларини яратишда фаол иштирок этмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббуси билан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида-

ги конвенцияси [41] ишлаб чиқилишини мисол сифатида келтириш мумкин. Бугунги кунга қадар Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг оммавий иштирок бўйича тавсиялари [42], Европа Кенгашининг халқаро нодавлат ташкилотларининг конференцияси томонидан 2009 йил 1 октябрда тасдиқланган Қарорларни қабул қилиш жараёнида фуқаровий иштирокнинг тавсия қилинадиган амалиёти Кодекси [43] ва бошқа ҳужжатлар [44] ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжатларда оммавий иштирокнинг принциплари, воситалари, шакллари, босқичлари ва тартибини белгилашга оид тавсиялар берилган.

Оммавий иштирок этиш ҳуқуқининг халқаро стандартлари Оммавий ишларни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини самарали амалга ошириш бўйича давлатлар учун раҳбарий принципларда илк бор яхлит, тўлиқ ва тизимли баён қилинди. Мазкур раҳбарий принциплар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашнинг 2018 йил 28 сентябрдаги 39/11 сонли қарори [45] билан давлатлар ва бошқа манфаатдор томонлар учун кўрсатмалар тўплами сифатида тақдим этилди. Раҳбарий принциплар оммавий ишларни юритишда иштирок этиш ҳуқуқидан самарали фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган тамойилларни ўз ичига олган. Унда ушбу ҳуқуқнинг сайлов ва сайловдан ташқари шакллари ҳамда уларни амалга оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқилди [46].

Ҳозирги вақтда пандемияга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда имкон қадар ахборот олиш эркинлигини кенгайтириш, сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий иштирокни кучайтиришнинг бошқа чоралари ишлаб чиқилмоқда [47; 48, 1676-1677-б.]. Умуман, бошқа глобал масалаларни ҳал қилиш халқаро ҳамжамият олдида оммавий иштирок стандартларини

такомиллаштириш вазифасини қўймоқда. Ушбу шаклланаётган стандартларни Ўзбекистонда рўёбга чиқариш қуйидаги фикр ва мулоҳазаларни илгари суриш имконини бери.

Биринчидан, оммавий иштирокнинг халқаро стандартлари сифатида халқаро шартномаларда мустақамлаб қўйилган, юридик кучга эга ва давлатнинг олий қонунчилик органи томонидан ратификация қилинган, ушбу ҳуқуқ тамойилларини мустақамлайдиган ва ривожлантирадиган универсал ва минтақавий халқаро ҳуқуқий нормалар баробарида, уларнинг мазмунини очиқ берадиган мажбурий характерга эга бўлмаган ҳужжатларни тушуниш амалиётнинг холис акс этишига хизмат қилад.

Иккинчидан, оммавий иштирокнинг барча соҳаларни қамраб олиши туфайли уни таъминлашга оид меъёрлар нафақат инсонлар ҳуқуқларига оид махсус халқаро ҳужжатлар, балки коррупцияга қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳалардаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мустақамланади. Ушбу ҳужжатлар асосида тегишли соҳаларда оммавий иштирокни таъминлаш долзарб масалага айланади.

Учинчидан, Орхус конвенциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда оммавий иштирок механизмлари белгиланганлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг меъёрларини мамлакатимизда имплементация қилиш масалаларини ўрганиш ва ушбу конвенцияга аъзо бўлиш мамлакатимизда оммавий иштирок ҳуқуқини барча соҳаларда самарали таъминлашга хизмат қилад.

Тўртинчидан, пандемия ва бошқа глобал муаммоларни ҳал қилиш мақсадида давлатлар, халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлар турли соҳаларда оммавий иштирок стандартларини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Ушбу стандартларни ишлаб чиқишда давлат органлари ва фуқароларимизнинг фаол

иштирок этиши уларда Ўзбекистон манфаатларини ифодалаш ва рўёбга чиқариш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббуси

билан БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ишлаб чиқилиши, унда ёшларнинг оммавий иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш бунга ижобий мисол бўла олади.

REFERENCES

1. Yuldoshev A. E. Fuqarolarning jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda ishtirok etish huquqini ta'minlashning dolzarb masalalari [Current issues of ensuring the right of citizens to participate in the management of public and state affairs]. Jurnal pravovyx issledovaniy – Journal of Legal Studies, 2020, vol. 5, no. 11, p. 25.
2. Mezhdunarodnye izbiratel'nye standarty i nabljudenie za vyborami: sbornik dokumentov i materialov. M.Je. Abdusalomov, A.H. Saidov, Zh. Sadykov, N.N. Nurmatov [International Electoral Standards and Election Observation: A Collection of Documents and Materials]. Tashkent, Baktria press, 2014, pp. 42-261.
3. Rukovodjashhie principy po svobode ob#edinenij [Freedom of Association Guidelines]. OSCE / ODIHR. Warsaw, 2016. Available at: <https://www.osce.org/files/f/documents/3/3/160961.pdf/>.
4. Pukovodjashhie principy po svobode mirnyh sobranij [Guidelines on Freedom of Peaceful Assembly]. OSCE / ODIHR. Warsaw, 2011. Available at: <https://www.osce.org/files/f/documents/d/6/83237.pdf/>.
5. Inclusion and more public participation, will help forge better government policies: Guterres. Available at: <https://news.un.org/en/story/2020/09/1073742/>.
6. Inson huquqlari umumiy nazariyasi: IIV tizimidagi ta'lim muassasalari tinglovchi va kursantlari, shuningdek, huquqni muhofaza etuvchi organlar xodimlari uchun darslik. Mualliflar jamoasi, mas'ul muharrir A.X. Saidov [General Theory of Human Rights: Textbook. Author's Team for Listeners and Cadets of Educational Institutions in the MIA System, as well as Law Enforcement Officials, Editor-in-Chief A.H. Saidov]. Tashkent, 2012, p. 86.
7. Saidov A.H., Bakaeva B.H., Tillabaev M.A. Organizacija ispolnenija mezhdunarodnyh objazatel'stv Respubliki Uzbekistan v sfere prav, svobod i interesov cheloveka: pravovye aspekty. Nauchno-metodologicheskoe posobie [Organization of the fulfillment of international obligations of the Republic of Uzbekistan in the field of human rights, freedoms and interests: legal aspects]. Fan va texnologiya – Scientific and methodological manual, Tashkent, 2018, p. 28.
8. The Universal Declaration of Human Rights. Available at: <https://www.un.org/en/universal-declaration-human-rights/index.html/>.
9. Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va O'zbekistonda inson huquqlarini himoya qilish milliy tizimi. Mualliflar jamoasi: A.X. Saidov, F.X. Bakaeva, K.Sh. Arslanova va boshq.; mas'ul muharrir A.X. Saidov [Universal Declaration of Human Rights and the National System for the Protection of Human Rights in Uzbekistan. Editor-in-chief A.H. Saidov]. Tashkent, Uzbekistan Publ., 2010, p. 7.
10. International Covenant on Civil and Political Rights. Available at: <https://www.ohchr.org/en/professionalinterest/pages/ccpr.aspx/>.
11. Chesnokov A.S. Uchastie immigrantov-negrazhdan v politicheskikh processah v prininimajushhih stranah [The participation of non-citizen immigrants in political processes in host countries]. Socium i vlast' – Society and Power, 2009, no. 4, p. 49.
12. Participation of immigrants and foreign residents in political life in the Council of Europe member states. Available at: <http://assembly.coe.int/nw/xml/XRef/Xref-XML2HTML-en.asp?fileid=16876&lang=en/>.

13. Starovojtova E.I., Hvaljov S.A. Osnovnye usloviya predostavleniya izbiratel'nogo prava inostrannym grazhdanam v zarubezhnyh gosudarstvax [Basic conditions for granting suffrage to foreign citizens in foreign countries]. *Izbiratel'noe pravo – Suffrage*, 2017, no. 1, p. 19.

14. Thomas Ch. Self-determination and the Human Right to Democracy. In the book *Philosophical Foundations of Human Rights*. Edited by R. Cruft, S.M. Liao, M. Renzo. New York, Oxford University Press, 2015, p. 461.

15. Mezhdunarodnaja konvencija o likvidacii vseh form rasovoj diskriminacii. Prinjata rezoluciej 2106 (XX) General'noj Assamblei ot 21.12.1965 [International Convention on the Elimination of All Forms of Racial Discrimination. Adopted by General Assembly resolution 2106 (XX) of December 21, 1965]. Available at: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/raceconv.shtml/.

16. Konvencija Sodruzhestva Nezavisimyh Gosudarstv o pravah i osnovnyh svobodah cheloveka, 26.05.1995, Minsk [Commonwealth of Independent States Convention on Human Rights and Fundamental Freedoms, May 26, 1995, Minsk]. Available at: <http://cis.minsk.by/page/11326/>.

17. American convention on human rights. Adopted at the Inter-American Specialized Conference on Human Rights, San José, Costa Rica, 22 November 1969. Available at: <https://www.cidh.oas.org/basicos/english/basic3.american%20convention.htm/>.

18. African Charter on Human and Peoples' Rights. Adopted by the 18th Assembly of Heads of State and Government of the Organization of African Unity on 27 June 1981 in Nairobi, Kenya. Available at: <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201520/volume-1520-I-26363-English.pdf/>.

19. Konvencija o zashhite prav cheloveka i osnovnyh svobod. Zakljuchena v g. Rime 4.11.1950 g. [Convention for the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms. Concluded in Rome 04.11.1950]. Available at: https://www.echr.coe.int/documents/convention_rus.pdf/.

20. Zysset Alain. *The ECHR and Human Rights Theory Reconciling the Moral and the Political Conceptions*, New York, Routledge, 2017, pp. 220-221, 233-234.

21. Konvencija o likvidacii vseh form diskriminacii v otnoshenii zhenshhin. Prinjata rezoluciej 34/180 General'noj Assamblei ot 18.12.1979 [Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination against Women. Adopted by General Assembly resolution 34/180 of 18 December 1979]. Available at: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml/.

22. Konvencija o pravah invalidov [Convention on the Rights of Persons with Disabilities]. Available at: <https://www.ohchr.org/RU/HRBodies/CRPD/Pages/ConventionRightsPersonsWithDisabilities.aspx/>.

23. Konvencija Organizacii Ob#edinennyh Nacij protiv korrupcii. Prinjata rezoluciej 58/4 General'noj Assamblei ot 31.10.2003 [United Nations Convention against Corruption. Adopted by General Assembly resolution 58/4 of 31 October 2003]. Available at: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml/.

24. Konvencija o dostupe k informacii, uchastii obshhestvennosti v processe prinjatija reshenij i dostupe k pravosudiju po voprosam, kasajushhimsja okruzhajushhej sredy [Convention on Access to Information, Public Participation in Decision-Making and Access to Justice in Environmental Matters]. Available at: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orhus.shtml/.

25. Orhusskaja konvencija: rukovodstvo po osushhestvleniju. Podgotovleno S. Stekom i S. Kjejsi-Lefkovic [Aarhus Convention: Implementation Guide. Prepared by S. Stack and S. Casey-Lefkowitz]. New York and Geneva, UN, 2000, p. 1. Available at: <https://www.unece.org/fileadmin/DAM/env/pp/implementation%20guide/russian/aigr.pdf/>.

26. Ul'jashina L.V. Mezhdunarodno-pravovye standarty v oblasti prav cheloveka i ih realizacija: teorija i praktika primeneniya [International legal standards in the field of human rights and their implementation: theory and practice of application]. Vilnius, YSU, 2013, p. 153.

27. *Public international law*. A. Kaczorowska. 4th ed. New York, Taylor & Francis, 2010, p. 65.

28. High-level Principles on Fiscal Transparency, Participation and Accountability. Available at: http://www.fiscaltransparency.net/ft_principles/.

29. Shmitt K. Ponjatie politicheskogo [The Concept of Political]. *Voprosy sociologii – Issues of Sociology*, 1992, no. 1, p. 30.

30. Grigoryev L., Pavlyushina V. Global recession and income inequality: Factors of disruption for elites in the twenty-first century. *Global governance in transformation*. Cham, Springer, 2020, pp. 275-276.
31. Toshboeva R. Mezhdunarodno-pravovoy aspekt obespecheniya dostupa k jekologicheskoy informacii i voprosy ee implementacii [International legal aspect of providing access to environmental information and issues of its implementation]. *Juridik fanlar ahborotnomasi – Vestnik juridicheskikh nauk – Review of law sciences*, 2020, no. 3, pp. 92-98.
32. Mezhdunarodnoe pravo. Uchebnik. Otv. red. S.A. Egorov [International law. Textbook. Resp. ed. S.A. Egorov]. Moscow, Statut, 2016, pp. 276-277.
33. Lipchanskaja M.A. Mezhdunarodnye standarty uchastija grazhdan v upravlenii delami gosudarstva [International standards of citizens' participation in the management of state affairs]. *Izvestija Saratovskogo universiteta – Bulletin of the Saratov University*, 2011, vol. 11. Ser. Sociology. Political Science, vol. 2, p. 93.
34. General Comment no. 25. The right to participate in public affairs, voting rights and the right of equal access to public service (Art. 25). 12/07/96. CCPR/C/21/Rev.1/Add.7, General Comment No. 25. Available at: <https://digitallibrary.un.org/record/221930/>.
35. Makoto Ito. Konstitutsiyaviy huquq faniga kirish. 6-nashr Mas'ul muharrir I.Bekov, tarjimonlar: F. Umirov, A. Umirdinov [Introduction to the science of constitutional law. 6th edition Editor-in-chief I. Bekov, translators F. Umirov, A. Umirdinov]. Tashkent, 2020, p. 173.
36. Freedom of Opinion and Expression – International standards. Available at: <https://www.ohchr.org/EN/Issues/FreedomOpinion/Pages/Standards.aspx/>.
37. Hennebel L. Human Rights Committee. In the book *The United Nations and Human Rights. A Critical Appraisal*. Edited by F. Mégret and Ph. Alston, Oxford University Press, 2020, p. 369.
38. Resolution adopted by the General Assembly on 21 December 2012/ A/RES/67/218. Available at: https://www.un.org/en/ga/search/view_doc.asp?symbol=A/RES/67/218/.
39. High-level Principles on Fiscal Transparency, Participation and Accountability. Available at: http://www.fiscaltransparency.net/ft_principles/.
40. Sajeg A., Kruk M., Karolova V., Zorab Dz. Respublika Uzbekistan. Povyshenie prozrachnosti v nalogovobjudzhetnoj sfere [The Republic of Uzbekistan. Improving transparency in the fiscal area]. International Monetary Fund, 2018, p. 46. Available at: https://www.mf.uz/media/file/state-budget/pub/ocenka_dek_2019.pdf/.
41. Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiya loyihasi keng jamoatchilik muhokamasida. [The draft International Convention on the Rights of the Child is under public discussion]. Available at: <https://uza.uz/uz/posts/yeshlar-u-u-lari-t-risidagi-khal-aro-konventsiyasi-loyi-asi--16-10-2020/>.
42. Privlechenie grazhdan k razrabotke politicheskogo kursa: informirovanie, konsul'tacii i uchastie obshhestv [Involving Citizens in Policy Development: Information, Consultation and Community Participation]. Available at: <http://www.sigmaweb.org/publications/39616383.pdf/>.
43. Kodeks rekomenduemoj praktiki grazhdanskogo uchastija v processe prinjatija reshenij. Prinjat Konferenciej MNPO na zasedanii 1 oktjabrja 2009 goda [Code of Good Practice for Civil Participation in Decision Making. Adopted by the INGO Conference at its meeting on October 1, 2009]. Available at: <https://rm.coe.int/16802eedd4/>.
44. Declaration on parliamentary openness. Available at: <http://www.openingparliament.org/>.
45. 39th session of the Human Rights Council. Available at: <https://www.ohchr.org/EN/HRBodies/HRC/RegularSessions/Session39/Pages/ResDecStat.aspx/>.
46. Guidelines for States on the effective implementation of the right to participate in public affairs. Adopted by resolution 39/11 of Human Rights Council. Available at: https://www.ohchr.org/Documents/Issues/PublicAffairs/GuidelinesRightParticipatePublicAffairs_web.pdf/.
47. Civic space and COVID-19: guidance. Available at: <https://www.ohchr.org/Documents/Issues/CivicSpace/CivicSpaceandCovid.pdf/>.
48. Marston C., Renedo A., Miles S. Community participation is crucial in a pandemic. *The Lancet*, 2020, May 30, vol. 395, pp. 1676-1677. DOI: [https://doi.org/10.1016/S0140-6736\(20\)31054-0/](https://doi.org/10.1016/S0140-6736(20)31054-0/).